

## Пудрат шартномаси

2022 й. «27» 6

2022-303-13-185-ОВ-сон

Кўнгирот тумани.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Кўнгирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиқ М.А.Алиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "MAXSUS YO'L STROY" маъсулити чекланган жамияти номидан устави асосида иш кўрувчи Б.А.Калмуратов иккинчи томондан, Кўнгирот тумани Еркин овули Еркин кўчаси йўлининг 0.190 км қисмини жорий таъмиглаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Таърифлар

1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

"ижро хужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулитли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

"курилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"вақтинчалик ишлар": Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар":- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хulosасига келишилган муддатларга асосан Кўнгирот тумани Еркин овули Еркин кўчаси йўлининг 0.190 км қисмини жорий таъмиглаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3.1Мазкур шартнома "10" - июнь 2022 йилдаги 103873-сонли лот га асосан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 43 550 685 (кирк уч миллион беш юз эллик минг олти юз саксон беш) сўмни ташкил этади.

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

3.3 Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;
- курилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хаф滋生лигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тұлық ҳажмда бажаришни үз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мазкур шартнома бүйича барча ишларнинг үз күчлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан күп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тұлық мулкий жавоб беради.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

##### 5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект қурилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл курилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик қабул қилиб олишни таъминлаш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тұлық ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### VI. Ишларни бажариш муддати

6.1 Шартнома миллий валюта (сўмда) үзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) үзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тұлық якунлайди..

12. Курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 55 кунни ташкил этади.(бажариии графигига асоссан)

#### VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

7.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади.

7.2 Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

7.3 Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўргасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади.

7.4 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини үзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича үз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгаришилар киритиши ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

#### VIII. Ишларни бажариши

7.6 Буюртмачи қурилиш майдонида үз вакилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни үз вактида бартараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб боради.

7.7 Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

7.8 Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.9 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган үз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.10 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.11 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.12 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмайтган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

7.13 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.14 Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тұғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари үлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тұғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

7.15 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнин жойлаши схемаларини жадвалларни саклади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

7.16 Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтінча улашни ва улаш нұқталаридан янгидан қурилиш коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.17 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

7.18 Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор қиласди.

7.19 Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

7.20 Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.21 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиiddий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

7.22 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қўйматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнин кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тұлайди.

7.23 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ күча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклади, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.24 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси) ишларнинг қабул қилиб олинниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

### VIII. Ишларни қўриклаш

8.1 Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриклини таъминлайди.

8.2 Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### IX. Енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тұлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тұлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишида узайтирилади.

9.2 Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини мухокама қиласди.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилиниши талаб қилишга ҳақлидир.

#### X. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

10.1 Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланги тартиби мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейи шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишининг белгиланган қоидаларига биноан амал оширилади.

10.2 Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонид олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

10.3 Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келиши ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10.4 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XI. Кафолатлар

##### 11.1 Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишларни сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмла конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида қўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2\* Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланишни ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатноманинг имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томинининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

11.3 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланбди, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврини узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонламада далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада қўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидан назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

11.4 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар қўрсатилган далолатноманинг тузишдан ёки имзолашдан бош торга тақдирда, уларни текшириб чиқиши қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### XII. Шартномани бекор қилиш

##### 12.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўрсатади;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан орти муддатга кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганди;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифатини пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

##### 12.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан орти муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

12.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиши объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонг ёзма билдиришнома юборади.

12.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойданни тўлайди.

12.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

13.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

13.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

13.3 Пудратчи объекtnи ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объекtn шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2022 йил учун белгиланган иш ҳажми қийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

13.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида объекtn қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тартиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фоизи миқдорида ундириш хукукига эга.

13.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплади.

13.6 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### XIV. Низоларни ҳал этиш тартиби

14.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

### XV. Алоҳида шартлар

15.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2 Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

15.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

15.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишида тасдиқлаши керак.

15.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлиdir.

15.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

15.8 Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгacha амал қилади.

Пудратчи:

Буюртмачи:

**«MAXSUS YOL STROY» МЧЖ**

манзил: Кўнгирот тумани З.М.Бабур кўчаси №208 уй

ж/Факс: +998905742771

НН: 305 684 300

/р: 20 208 000 900 906 098 001

ФО: 00611

инк: Қишлоқ қурилиш банк Кўнгирот филиали

ОКЭД: 42110

хар:  Б.Калмуратов

Кўнгирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Кўнгирот тумани Ипак йўли кўчаси ракамсиз уй

Тел/Факс: +99861-312-39-44 +99890 654-06-70

ИНН: 204618867 ОКЭД: 81300

л/с: 401722860352157045204110001

Кўнгирот тумани Фазначилик бошқармаси

Х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО:00014

Банк: Марказий банк Ташкент шаҳри

Бошлиқ: М.Алиев

(ФИЗ:ИНН 550 413 324)



-sonli shartnomaga ILOVA

## Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bўyicha óz majburiyatlarimi bajarayotganda Özbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish tógrisidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarmi amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya’ni Qóngirot tumani Obodenlashtirish boshqarmasi óz xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergen shaxsning manfaatlarimi kózlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

- pora berishni taklif qilish yoki va’da berish;
- tovlamachilik qilish;
- pora sifatida pul tólash;
- bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yól qóymaslik bўyicha choralar kórilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bўyicha bir Tomon Qóngirot tumani Obodenlashtirish boshqarmasi xodimining ahloqqa tógrí kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki Özbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bólgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

Özbekiston Respublikasi korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining call markazi raqami 1253


Telegram-kanali (@antikorbot);

Qóngirot tumani Obodenlashtirish boshqarmasi

### TOMONLAR:

Pudratchi:

«MAXSUS YO’L STROY» MCHJ  
rahbari  
B.Kalmuratov



Buyurtmachi:

Qóngirot  
boshqarmasi  
M.Aliyev

tumani Obodenlashtirish  
boshlig'i



## **QÓNGIROT TUMANI ADLIYA BÓLIMI YURIDIK XIZMAT KÓRSATISH MARKAZINING YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TÓGRISIDAGI HUQUQIY XULOSASI**

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma

**2.Loyihaning nomi:** Pudrat shartnomasi

Buyurtmachi Qóngirot tumani Obodanlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida ish yurutuvchi boshligi M.Aliev;

Pudratchi “MAXSUS YO'L STROY” ma'suliyati cheklangan jamiyati nomidan ustavi asosida ish yurutuvchisi B.A.Kalmuratov ikkinchi tomondan Qóngirot tumani Erkim ovuli Erkim kóchasi yólming 0.190 km qismini joriy ta'mirlash ishlariga doir mazkur pudrat shartnomasini tuzish haqida.

Mazkur shartnoma 10-iyun 2022 yildagi 103873-sonli lot ga asosan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yiğimlar, QQS va ajratmalarini óz ichiga olgan holda joriy narxlarda 43 550 685 (qiriq uch million besh yuz ellik ming olti yuz sakson besh) sónni tashkil etadi.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:** Qóngirot tumani Obodanlashtirish boshqarmasi tomanidan 2022-yil 27-iyun

Ushbu shartnoma loyihasi Özbekiston Respublikasi 29 avgust 1998 yildagi 670-1-sonli Xójalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tógrisidagi qanuni, Özbekiston Respublikasi 22 aprel 2021 yildagi 684-sonli Davlat haridlari tógrisidagi qanuni, Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashadirish chora-tadbirlari tógrisida»gi 14-sentyabr 2021-yildagi PF-6313-sonli Özbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni talablariga javob beradi.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq**

Markaz bosh yuriskonsulti

2022 yil «27» iyun



R.Annarazov



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"MAXSUS YO'L STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsening – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqly shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"MAXSUS YO'L STROY" MChJ**

(Yuridik shaxsening qo'shatilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.08.2018

626946

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305684300

Tashkiliy-huquqly  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'irot tumani, Qo'ng'irot, Z.M.Babur,  
208,

Guvochnoma:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'irot tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Конырат районы Абаданластырыу баскармасы тарепинен “Товар-материаллық запаслар ҳэм ислерди (хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлау комиссиясы”ның ен жақсы уынысларды таңлап алыў бойынша откерилген  
6-санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл “ 27 ” - июнь

Конырат районы

Қатнасышылар  
Комиссия баслығы

М.Алиев

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы баслығы

Комиссия ағзалары

М.Оразбаев

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы бас инженери

З.Матниязова

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы техника кауипсизлиги  
инженери

А.Картбаев

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы технадзоры

М.Баймуратов

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы бас есапшысы

**КҮН ТӘРТИБИ:**

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы - Таңлап алыў комиссиясы баслығы М.Оразбаев мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисингин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмөндеги мағлұматтарды усынды:

Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар ҳаққында”ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы уынысларды таңлап алыў откерилийи ҳаққында арнаўлы информацион порталында (<http://dxarid.uzex.uz/>) дағаза таңлау катнасышыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылған 2022 жыл 10-июнь күни 103897-санлы лот бойынша 2022-жыл 20-июнь кунги 1-баскыш баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар ҳаққында”ғы Нызамы талапларына ҳәмде жоқары көрсетилген мағлұматтарды есапқа алып Таңлау комиссиясы

**ҚАРАРЕДЕИ:**


- Конырат районы Абаданластырыу баскармасы бюджет қаржылары есабынан dxarid.uzex.uz парталына жайластырылған Конырат районы Еркин ауыл Еркин кошесинин 0,190 км болегиндеги жолды женил онлау жумысларын әмелге асырыў ушын откерилген таңлап алыўда таңлау хүжжетлеринде ҳәм таңлау шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған ҳәм таңлап алыў женимпазы деп табылған «MAXSUS YO’L STROY» жууапкершилиги шекленген жамиети менен 43 550 685 сумға шартнама дүзилсін.
- Женимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жагдайда шартнама дүзиў ҳукуқы кейинги қатнасышы (резерв) етип, «QONGIROT YOL.FOY.UK» белгиленсін.

Бунда женимпаз қатнасышы усыныс еткен суммасынан аспаған мугдарда шартнама дүзиү мүмкінлеги белгилеп койылсын.


3. Нызам талаптарына муғаптық таңлау қатнасышыларының усынысларын көрип шығыу ҳәм баһалау мүддети усыныслар бериү тамам болығынан 10 (он) күнинен асып кетиүү мүмкін емеслиги мағлұмат ушын қабыл етилсін.


4. Мекеменин бас есапшысы – М.Баймуратовка танлау алды жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужетлерин таярлау хамде шартнама дүзилгеннен сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына ([www.xarid.uz](http://www.xarid.uz)) жайластырыу тапсырылсын.

Қатнасышылар  
Комиссия баслығы

М.Алиев  Конырат районы Абаданластырыу баскармасы баслығы

Комиссия ағзалары

М.Оразбаев  Конырат районы Абаданластырыу баскармасы бас инженери

З.Матниязова  Конырат районы Абаданластырыу баскармасы техника кауписизлиги инженери

А.Картбаев  Конырат районы Абаданластырыу баскармасы технадзоры

М.Баймуратов  Конырат районы Абаданластырыу баскармасы бас есапшысы